



## Белбоғли кураш спорт турининг белбоғли кураш ва эркин йўналиши бўйича кичик ўсмиirlар (ўғил ва қиз болалар) ўртасида Ўзбекистон чемпионати мусобақасини ўtkазиш

### НИЗОМИ

#### 1. Мақсад ва вазифалари:

- Ўзбекистонда Белбоғли кураш спорт турини оммавийлаштириш ва янада ривожлантириш;
- Ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, бақувват ва баркамол қилиб тарбиялаш;
- Ёшлиарни миллий спорт тури бўлган Белбоғли кураш билан шуғулланишга жалб этиш, уларни миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш;
- Белбоғли кураш спорт тури бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини шакллантириш учун иктидорли курашчиларни саралаш ва рағбатлантириш.

#### 2. Мусобақага раҳбарлик:

Мусобақани ўтказиш бўйича умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги томонидан, мусобақаларни бевосита ташкил этиш эса Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси томонидан амалга оширилади.

#### 3. Мусобақанинг ўтиши жойи ва муддати:

Ўзбекистон чемпионати мусобақалари 2024 йилнинг 03-05 май кунлари Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида ўтказилади. Келиш куни 03 май. Ҳар иккала йўналиш бўйича алоҳида тарозидан ўтказилади. Белбоғли кураш бўйича тарозидан ўтказиш 03 май соат 14:00дан 16:00гача, эркин йўналиш бўйича соат 16:00дан 18:00гача бўлиб ўтади. Манзил; Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани спорт мактаби.

#### 4. Мусобақа иштирокчилари:

Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 2011-2012 йилларда туғилган ўғил ва қиз болаларнинг иштирок этишига руҳсат берилади. 2013 йилда туғилган ўғил ва қиз болалар шифокорнинг маҳсус руҳсатномаси билан мусобақада иштирок этадилар. Белбоғли кураш мусобақаларининг ғолиб ва совриндорлари эркин йўналиш бўйича мусобақаларга қўйилмайди.

#### Вазн тоифалари:

Белбоғли кураш бўйича-ўсмиirlар: 24, 27, 30, 33, 36, 40, 44, 48, 52, 56, 60, 65, 65+кг;  
Эркин йўналиш бўйича- ўсмиirlар: 24, 27, 30, 33, 36, 40, 44, 48, 52, 56, 60, 65, 65+кг;  
Эркин йўналиш бўйича -қизлар: 27, 30, 33, 36, 40, 44, 48, 52, 52+кг;  
Жамоа таркиби: 1 та мураббий, 1та вакил ва 35 та спортчидан иборат. Ҳакамлар вазирлик томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича мусобақада иштирок этадилар.

#### 5. Талабнома бериши шартлари:

Иштирок этувчи жамоаларнинг талабномалари Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт бошқармалари ҳамда Белбоғли кураш ҳудудий федерациялари ва шифокор томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Ҳар бир курашчи шахсини тасдиқловчи хужжати (**фуқаролик паспорти**) ва ўз кураш кийимига эга бўлиши шарт. Акс холда спортчи мусобақаларга қўйилмайди.

#### 6. Тақдирлаши:

Ўзбекистон чемпионати ғолиб ва совриндорлари Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлиги ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси томонидан тегишли даражадаги медаллар ва дипломлар ҳамда Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани ҳокимлиги томонидан ажратилган қимматбаҳо совринлар билан мукофотланадилар.

#### 7. Қабул қилиши шартлари:

Мусобақа иштирокчиларининг хизмат сафари билан боғлиқ барча сарф-харажатлар хизмат сафарига юборувчи ташкилотлар томонидан қопланади.